



Ishonch

Моҳият
Бизнинг энг эзгу мақсад-муддаомиз — дунёдаги тараққий топган демократик давлатлар қаторига киришдан иборатдир.
 Ислом КАРИМОВ

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan

Юртимиз полвонлари — Термизда

Бугун Термиз шаҳрида ЎЗКУФК соврини учун меҳнаткашлар ўртасидаги республика кураш мусобақасининг якуний босқичи бошланади.



Икром ХАСАНОВ олган сурат

Мазкур мусобақага Сурхондарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги «Алпомиш» уйингоҳи байрамона безатилиб, катта тайёргарлик кўрилган. Кураш гиламлари тўшалган, ёриткичлар ўрнатилган, байроқчалар илинган. Мусобақанинг очи-лиш маросимига вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси тасарруфидаги бадий ансамбллар хизматта шай.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бу галги спорт мусобақаси аввалгиларидан кескин фарқ қилади. Чунки беллашуларда ишчи-ходимлар, айниқса, ёшлар ҳам гиламга тушиб, полвонлар 66, 73, 81, 90, 100 ва ун-

дан ортиқ вазнда мутлақ голиблик учун курашадилар. Йил сайин нуфузи ошиб бораётган мазкур мусобақанинг Сурхон воҳасида ўтказилиши бежиз эмас. Бу заминдан етишиб чиққан Алпомиш издошлари — Урол Тўраев, Рустам Эргашев, Эрали Маҳмарасулов, Тош-темир Муҳаммадиев, Абдулла Тангриев, Уткир Қурбон-нов сингари доврўкли полвонлар сабаб ўзбек кура-ши жаҳон майдонидан муносиб ўрин эгаллади.

— Миллий курашимиз халқимизнинг руҳиятига, асл хислатларига азал-азалдан хос бўлган мардлик, жасур-лик, бағрикенглик, рақибига нисбатан олижаноблик, инсонпарварлик фазилатларини мужассамлаштирган

десак, хато бўлмайди, — дейди вилоят касба уюшма-лари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Абду-карим Аҳмедов.

Ростдан ҳам Сурхондарёда икки кун давомида ку-раш бўйича ўтадиган Республика мусобақасида Қора-қалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят-лардан Тўрабой Ҳаев, Ихтиёр Мухиддинов, Давлат Азизов, Урол Ортиқов, Маҳмуд Раимқуллов каби 100 дан ортиқ полвонлардан томошабинлар чиройли кураш усуллари намойиш этишини умид қилапти.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Янги кун Янгиликлари

Об-ҳаёт манбаи
 Ургут туманида 1 млн. 800 минг кубометр сув захирасини ярата оладиган сув омбори қурилиши тезкорлик билан олиб борилапти. Шу йилнинг ўзида 1 млрд. 450 млн. сўмлик бунёдкорлик ишлари бажарилиши режалаштирилган.

Узунлиги 350 метрни, баландлиги 43 метрни ташкил этадиган сув омборини «Ҳабибулло НҲД» масъулияти чекланган жамиятига қарашли қурилиш корхонаси бунёдкорлари барпо этишяпти. Янги сув тўплаш иншооти Камангрон қишлоғига фойз олиб ке-лади. Бу ерда иншоотга хизмат кўрсатувчи қўшимча объектлар билан бир қаторда йўллар, замонавий инфратузилмага хос қурилиш ишлари ҳам амалга оширилади.

Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Фаровонлик сари
 Чимбой туманида 2009-2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури ижросини таъмин-лаш борасида қатор тадбир-лар амалга оширилмоқда.

2007 йилда бўян томирларини қайта ишловчи «Ланэкстракт» МЧЖ Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси фаолият бошлаган эди. 2009 йилда эса «Чимбой ЛАНВООД» қўшма корхонасига асос солинди. «Ланэкстракт» МЧЖ томонидан ўтган йилда 2 млн. 442 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот экспорт қилинди. Эндиликда қўшма корхона қошида 10 минг дон хом гишт ишлаб чиқариш қувватига эга линия фаолият кўрсатмоқда. Тез орада ДСП қурилиш матери-аллари ишлаб чиқарила бошланади.

Туманда 2011 йилда «Чимбай-ЛанПайпвер» қўшма корхонасини ташкил этиш чоралари қуриляпти. Мавжуд иккита объектда мо-дернизация ишлари амалга оширилди.

Мухаббат ТўРАБОЕВА,
«Ishonch» мухбири

Маҳсулоти харидоргир
 Марғилон шаҳридаги «Косибчи-лик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида «Водий малика баракаси» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси томонидан тикувчилик цехи ишга туширилди.

Янгиланиш

Мустақиллик ўз кўркини юртимизнинг ҳар гўшасида намойиш этмоқда. Ҳар ерда янгиланиш, яшариш, ободлик ҳукмрон. Гулзорлар бағридаги Наманган ҳам хуррият шарофати билан мафтункор қиёфа касб этиб бормоқда. Айниқса, Президентимизнинг ўтган йилнинг 2 июлида вилоятимизга ташрифидан сўнг Наманган шаҳрида кенг кўламдаги ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди.

Наманган водий гавҳари бўлади

Бу борада Президентимизнинг «Наманган вилоятининг индустриал салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда Наманган шаҳри инфратузил-масини ва ободонлаштиришни сифат жиҳатидан яхшилаш чоралари ҳақида»ги фармойиши ҳамда «Наман-ган шаҳрини 2009-2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инф-ратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғриси-да»ги қарорлари дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўтган қисқа вақт ичида Амир Те-мур, Дўстлик, Тўрақўрғон, Навоий, Бобур шоҳқўчаларида кенг қамров-ли ободонлаштириш ва кўчалардор-лаштириш ишлари амалга оширилди.

Корхона, ташкилот, муассаса ва кўп қаватли биноларнинг фасадлари янгиланди. Янги-янги савдо, маъшии хизмат кўрсатиш шохобчалари, ту-рар-жой бинолари, спорт мажмуаси қурилиши, йўлларни кенгайтириш, кўчаларни ёритиш каби хайрли иш-лар олиб борилмоқда.

Шаҳарнинг Жанубий айланма йўли ва Дўстлик шоҳқўчаси кесимида ер ости автомобил йўли қурилиши

натijasида транспорт оқими бир ма-ромга солинди.

Шаҳар марказида шарқ миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган янги Хотира майдо-ни бунёд этилди. Транспорт хизма-тини яхшилаш мақсадида «Наманган йўловчи ташиш» унитар корхонаси ташкил этилиб, 200 донга «Isuzu» ав-тобуслари қатнови йўлга қўйилди. Улар шаҳарнинг барча йўналишлари бўйича қатнаётганлигидан шаҳар аҳолиси, айниқса, ўрта махсус, касб-хўна таълими муассасаларининг ўқитувчи ва ўқувчилари бениҳоя хур-санд.

Наманган маданият коллежининг она тили ва адабиёт фани ўқитувчи-си Аъзамжон Абдуллаев шундай ҳикоя қилади:

— Наманган давлат университети билан 31-мактаб ўртасидаги ўтган асрнинг 40-йилларида қурилган 2 қаватли турар-жой биноси шаҳар маркази чиройини бузиб турган экан. Шу бино боис Чорсуга олиб борувчи йўл ҳамда чорраҳанинг торлигидан қийналардик.

(Давоми 2-бетда)

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон



Тараққийёт — бош мезон

Азалдан шарқу-ғарбда машҳур Бухоронинг мамлакатимиз-да ўз ўрни, салоҳияти бор. Утмишда фозилу фузалолари, минг йиллардан сўзлагувчи ноёб тарихий обидалари, кўли гул хунармандлари, умуман, маданияти ва санъати билан машҳур бўлган ушбу гўшанинг мустақилликдаги қиёфаси тубдан ўзгарди. Эркин ижод ва меҳнат билан машғул вилоят ахли ўзлари учун тараққийётни бош мезон қилиб белгилашди. Натijaда, мустақиллигимизнинг 19 йилда асрларга тенг ўзгаришларга гувоҳ бўлиб турибмиз.

Айтиш жоизки, макроиктисодий барқарорлиқни таъминлашдаги чора-тадбир-лар натijaсида ялпи минтақавий маҳсулот 1357,9 млрд. сўмни ташкил этди. Иқтисодий ўсишга саноят маҳсулотларининг 103,2, халқ истеъмол моллари иш-лаб чиқариш 106,5, чакана савдо айланмаси 115, пуллик хизматлар 111,3, ташқи савдо айланмаси эса 126,2 фоизга бажарилиши ҳисобига эришилди.

Вилоят маҳаллий бюджетни харажатлари белгиланган прогноз кўрсаткичлар-га асосан ижро этилиб, харажатларнинг 70 фоиздан ортиги ижтимоий-мада-ний тадбирларга, 10,6 фоизи ижтимоий химояга ва яна шунча фоизи бошқа соҳаларга йўналтирилган.

(Давоми 3-бетда)

Курултойдан курултойгача

Халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда

— Мустақиллик йилларида касба уюшма ташкилотлари фаолияти туб-дан ўзгарди, — дейди республика авиация ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Шавкат Мингалиев. — Таъбир жоиз бўлса, у ҳам энга, ҳам бўйича ўсди. Халқаро алоқалар кенгайди. Узаро тажриба алишувига эътибор кўчатирилди.

— Курултойда иш ҳақи бораси-да айрим муаммолар ҳам борли-ги таъкидлаб ўтилганди...

— Бюджет соҳаси ходимларининг ва миллий авиакомпаниянинг меҳнат-га ҳақ тўлашининг 1 разрядидан 4 раз-рядигача бўлган иш ҳақи олаётган хо-димларнинг маоши кўнгилдагидек эмас. Шу боисдан ҳам меҳнатга ҳақ тўлашининг мейърий-ҳуқуқий базаси қайта кўриб чиқишни ва муайян қўшимчалар киритилишини тақозо эт-моқда.

Иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши ҳам ниҳоятда долзарблик касб этип-ти. Тармоғимизда меҳнат қилаётган тибийёт ходимлари иш ҳақи бўйича ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Ушбу масала ўзининг ижобий ечми-ни топиши учун бутун имкониятларни ишга соляпмиз.

— Ишчи-хизматчиларни нафақат

унумли меҳнатга рағбатлантириш, балки уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ҳам касба уюшма ташкилотининг асосий ва-зифалари сирасига кириди...

— Ўтган беш йил давомида жисмо-ний тарбия ҳамда спорт ишларига ба-ғишланган 150 дан зиёд тадбир ўтқа-зилди. Бунинг учун 1 млрд. 200 млн. сўм сарфланди. Шунингдек, тармоқ-даги барча корхона ва ташкилотлар-да йил моҳиятидан келиб чиққан ҳолда турли тантанали тадбирлар ўтказилди. Ишчи-хизматчилар ҳамда ўсиб келаётган ёш авлодни жисмоний ва маънавий камолотига йўналтирилган турли танлов ҳамда мусобақалар яхши самара берапти.

Жойлардаги «Маънавий ва маъри-фат» хоналарининг тарбиявий аҳами-яти ортиб, энг масканлари янги-янги адабиётлар билан тўлдириб бориляп-ти. Ҳар йили турли даврий нашрлар-га обуна бўляпти. Мақсадининг эса авиаходимлар хатто танаффус вақти-да ҳам мазмунли хордиқ чиқаришсин, халқимизнинг бой маданий мероси билан танишисин.

(Давоми 2-бетда)

Бу ҳақда конференцияда гапирилган эди

Корхона ва ташкилотларнинг юқори кўрсаткичларга эришишида, табиийки, меҳнат муҳофазаси қонун-қоидаларига қатъий риоя этилиши ҳамда ишчи-хизматчиларга рисоладагидек шароит яратиш бериш муҳим аҳамиятга эга. Тошкент вилояти ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмасининг яқинда бўлиб ўтган конференциясида ушбу масаланинг тармоқдаги барча касба уюшма ташкилотларида талаб даражасида ечим топиши лозимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилгани ҳам бежиз эмас.

бўлса, 6 ой давомида меҳнат муҳофазаси тadbирлари учун 2 млрд. сўмдан зиёд маблағ сарфланди.

Айни вақтда корхоналарда жамоатчилик асосида сайланган 601 нафар меҳнат муҳофазаси вакили фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг билим даражасини ошириш учун жойларда ўқувлар ташкил этилмоқда.

«Биокимё» заводи, «Аммофос Максам» очиқ акциядорлик жамиятлари фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. «Ўзбекқўмир» очиқ акциядорлик жамиятида эса ерости ишлари учун инвентарлар яроқсиз деб топилгани боис 54 млн. 400 минг сўмлик янги жиҳозлар харид қилинди. На-тижада 600 нафар ишчи-хиз-

нат шароити яхшиланди. Бунинг учун корхона ҳисобидан 11 млн. 641 минг АҚШ доллари сарфланди.

Афсуски, жойларда меҳнат муҳофазасига оид тadbирларнинг тўла-тўқис бажарилиши учун барча имкониятлар сафарбар этилмапти.

Бунинг натижасида 2008 йилда корхоналарда 35 та бахтсиз ҳодиса содир бўлди, ўтган йили эса 29 нафар киши шикастланди ва бир киши ҳаётдан кўз юмди. Жорий йилнинг олти ойи мобайнида 18 та бахтсиз ҳодиса содир бўлиб, 6 нафар киши ҳаётдан эрта кетди.

Шу ўринда бир савол туғилди. Нега ҳамон тармоқ корхоналарида бахтсиз ҳодисалар рўй бермоқда?

Меҳнат муҳофазасига мутасадди — у муҳандис бўладими, жамоатчилик асосида сайланган вакили ўз хизмат вазифасига чин дилдан ёндашсагина, бахтсиз ҳодисалар илдирига болта урилади. Шундангина оддий иш кунлари бахтсиз ҳодиса билан тугамасин.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Ўқув

Касба уюшмаларининг жамиятдаги мавқеини янада мустаҳкамлаш учун биринчи навбатда фаолларнинг билимини ошириш талаб этилади. Хоразм вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши шу мақсадга йўналтирилган янги лойиҳани амалга оширди.

Мароқли суҳбат

имтиёз ва кафолатларга бағишланди

— Касба уюшма органлари конференция қарорларини, мажлис ва конференцияларда билдирилган танқидий фикр-мулоҳазаларнинг амалдаги ижросини таъминлаш, ҳужжатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, устоз, Ҳаракат дастури талаблари асосида фаолиятни йўлга қўйиш, аъзолик афзалликларини асослаш мақсадида «Хонқа» сыхатгоҳи базасида касба уюшма ходимлари ва фаолларнинг бир ҳафталик ўқув-семинари ташкил қилинди, — дейди бирлашма кенгаши ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Озод Отажонов.

Ўқув-семинарда касба уюшма ходимлари ва фаолларидан 54 нафари жалб қилинди.

Хоразм вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Раҳимберган Матрасулов ўқув-семинардан кўзланган мақсадга қай даражада эришилгани бошланғич ташкилотларнинг кейинги фаолияти мисолида таҳлил қилиниб борилишини айтиб ўтди.

Муҳаббат Тўрабоева,
«Ishonch» мухбири

Оддий иш кунни

бахтсиз ҳодиса билан тугамасин

ий назоратга олинганлиги қўл келяпти. Масалан, ўтган йили мазкур тadbирларни бажариш учун вилоятдаги тармоқ корхоналарида 3 млрд. 987 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланганлиги ҳам фикримизни исботлаб турибди.

Энди жорий йил натижаларига назар ташлайдиган

Ўтган икки йил якуни бўйича корхонада меҳнат шароитини яхшилаш борасидаги ютуқлари учун «Максам-Чирчиқ» очиқ акциядорлик жамиятининг касба уюшма кўмитаси республика кўрик-танловидан III ўринни эгаллади ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. Шунингдек, Янгийўлдаги

матчининг меҳнат шароити яхшиланди. «Максам-Чирчиқ» корхонасидаги «Аммиак-76» агрегати реконструкция қилинганлиги натижасида атмосферага чиқарилаётган зарарли чикиндилар йилига 6,5 тоннага камайди. Шу билан бирга 397 нафар ходимнинг, шу жумладан, 81 нафар аёлнинг меҳ-

— Ўтган йили вилоят вакилиги тизимидаги барча корхоналарда ишчи-хизматчиларнинг санитария ҳамда гигиена шароитларини яхшилаш, оғир қўл меҳнати механизациялаш, меҳнаткашларнинг соғлиги ва меҳнат муҳофазасини назорат этиш борасида бир қатор тadbирлар амалга оширилди, — дейди вилоят вакилигининг меҳнат муҳофазаси бўйича етакчи мутахассиси Собиржон Тўлаганов. — Шу боисдан ҳам вилоятдаги 48 та корхонада умуман, 62 та корхонада эса ўлим билан тугаган бахтсиз ҳодисага йўл қўйилмади. Албатта, бунда жамоа шароитларига меҳнат муҳофазаси ҳамда рисоладагидек иш шароити яратиш масалалари махсус банд қилиб киритилганлиги ва унинг ижроси қатъ-



Наманган шаҳридаги «Helisilk» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати билан кўпчиликка манзур бўлмоқда. Шунингдек, бу ерда ишчиларга яратилган шароитлар ҳам иш унумига ижобий таъсир этиб, корхона фаолиятида муҳим рол ўйнаётир.

Суратда (ўндан чапга) корхона ипак ўрвчиси Саида Қирғизова, қўшма корхона вакили Нажат Абдурайим, ипак ўрвчилар Муҳаббат Қозоқова, Наргиза Дадашоевалар экспортга тайёрланган маҳсулот сифатини кўришмоқда.

З.СОТИБОЛДИЕВ олган сурат

Янгилашиш

Наманган водий гавҳари бўлади

(Боши 1-бетда)

Хозирда бу бино ўрнида катта ва шинам йўл қурилди. Натижада, машина ва йўловчиларнинг бемалол ҳаракатланишлари имконият яратилди. Манзарали дараклар экилиб, кўкаламзорлаштирилди. Атрофдаги биноларга замонавий оройиш берилди. Айниқса, Навоий номидаги театр хибонидаги кўм-кўк майса ва анвоий гуллар баҳри-дилигизни очди. Хибонда айлансам, кўнглим ором олиб, чарчоғим чиқди.

— Кўп йиллардан буён Давлатобод даҳасида яшайман, — суҳбатга қўшилди Наманган юридик коллежининг тарих ўқитувчиси Марҳабохон Нурбоева. — Даҳамиз ўтган қисқа давр ичида тубдан қайта қурилди ва Наманганга монанд йўлдош шаҳарга айланди деса муболага бўлмайди. Бугунги Давлатобод қиёфасини олдинги даврга қиёслаган, меймору қўлигул қурувчиларимизнинг ақлу заковатига қўйил қоламан. Амир Темур бобомизнинг «Кудратимизга шак-шубҳангиз бўлса, биз қурдирган иморатларга боқинг» деган сўзлари нақадар тўғрилигини бугунги замондошларимиз исботлаётганидан фахрланаман. Яқин-қингача Давлатободнинг 3-кичик да-

ҳасида жойлашган «Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази» кўрimsиз холда эди. Бугун янги таъмирдан чиқарилган бино ва унинг худудида амалга оширилган ишларни кўриб дилингиз яйрайди.

Янгилашган, яшарган бу бинода ёшлар фан ва касб тўғрисидаги қатнашиб, билимларини мустаҳкамлашмоқда. Уларнинг ривожланаётган салоҳияти эса юртимизнинг порлоқ келажагига пухта замин бўлгуси.

Муҳтасар айтганда, Наманганимиз қиёфасининг тубдан ўзгарган бугунги жамоли одамлар руҳини кўтариб, кўнгилиларни шод этмоқда. Шодлик эса хотиржамликка, хотиржамлик тараққиётга замин яратади. Мафтунок Дустлик шохқўчасини ҳайрат ва мамнуният билан кезарканман, кўзга кўринарли жойга илб қўйилган «Наманган водий гавҳари бўлади» деган лавҳага кўзим тушди. Нақадар ёқимли!

Кўпайсин ХўЖАМБЕРДИЕВ,
Наманган вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси муассислигидаги «Маҳорат мактаби» газетаси муҳаррири

Халқаро ҳамкорлик кенгаймоқда

(Боши 1-бетда)
— Таъкидлаб ўтилганидек, фаолиятни ривожлантиришда хорижий касба уюшма ташкилотларининг иш тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, мамлакатимиз мустақилликка эришган, хорижий касба уюшмаларининг иш тажрибаларини ўрганиш, долзарб ижтимоий-иқтисодий мавзуларни ҳал этишда уларнинг ёндашувлари билан танишиш имкониятига эга бўлди. ХТБ билан ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Ҳисобот даврида I ва II минтақавий конференциялар (Алмати, 2006 йил; Бужоро, 2008 йил) ва халқаро семинар (Тошкент, 2009 йил) ўтказилди. Шахсан Ҳазрат Осиев — Тинч океани минтақавий ҳисобот-сайлов конференциясида (Куала-Лампур, 2008 йил) ушбу кенгаш аъзоси этиб сайландим.

Авиаходимлар касба уюшмалари халқаро бирлашмаси (МОП Авиа) билан ҳамкорликни давом эттирмоқдамиз. Айни вақтда икки томонлама шартномага мувофиқ биз МОП Авиа кузатувчилари таркибига кирдик. Ушбу ташкилот орқали Россия, Украина, Беларус, Қозоғистон авиаходимлари билан тажриба алмашмоқдамиз. Авиаходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий тараққиёт соҳасида ҳамкорлик қиламиз.

Н. РАФИҚОВ
суҳбатлашди

Келажакка эътибор

Кумқўрғон туманидаги 67 та умумтаълим мактаби ҳамда 22 та МТМга Жаҳон банкининг «Мактаб таълимини ривожлантириш лойиҳаси» доирасида энг сўнгги русумдаги замонавий ўқув жиҳозлари, қўлланмалар тарқатилди.

Замонавий ўқув жиҳозлари

Жумладан, барча мактабларга 156 та 249 млн. 424 минг сўмлик компьютер махсус столи билан, бошланғич синфлар учун плакатлар тўплами, физика, кимё, биология ва меҳнат фани учун ўқув лаборатория жиҳозлар ва қуроллари, 5-, 9-синфлар учун телевизор, DVD, мультимедиа каби жиҳозлари тарқатилди. Ҳатто, электрон доска, 9 номдаги миллий қолғу асбоблари, уй ҳайвонлари, қушларнинг тулуми ҳамда ҳўл меваларнинг мумли нусхаси ҳар бир мактабга етказилмоқда. 22 та мактабга таълим муассасаларига «Бату» сакраш мосламаси, юғуртиш йўлакчалари, 22 номдаги ўқув методи қўлланма ҳамда уларни сақлаш учун 2 дондан жавон, катта юмшоқ шакллар тўплами берилди. Туман халқ таълими бўлимига ҳам компютер, 20 та стол ва стул, 2 та жавон, факс, видео проектор, кичик типография (босмахона) берилган.

Ў. МУХБИРИМИЗ

Одатда ҳар кимни ҳам етакчиликка сайлаверишмайди. Чунки касбақўм ўз соҳасини яхши биладиган, кези келганда, иш берувчи билан тил топиша оладиган дипломат, ходим манфаатларини ҳимоя қила оладиган ҳуқуқшунос, иқтисод ва сиёсатдан хабардор бўлиши керак.

Шахрисабз туман тиббиёт бирлашмаси касба уюшма кўмитаси раиси Файбулла Абдуллаев ҳам ана шундай изланувчан кишилардан.

— Ишни орқага ташладингизми, устма-уст қалашиб, ечимни оғирлашиб бораверадим, — дейди у.

Файбулла Абдуллаев ходимларга касба уюшма афзалликларини тушутиришдан чарчамайди. Масалан, сўнгги икки йилда «Оила ва никоҳ» диагностика маркази, «Пахлавон», «Ибн Сино», «Аёллар маркази» хусусий шифохоналари касба уюшма аъзолигига жалб қилинди. Ходимлар касба уюшма тadbирларининг фаол иштирокчисига айланди.

— Бошланғич ташкилотларимиздаги етакчилар билан тез-тез семинарлар ўтказиб турализи, — деди касбақўм. — Жорий йилда тумандаги соғлиқни сақлаш ходимларининг 84 нафар фарзанди болалар оромгоҳларида дам олдирилди. Баркамол авлод йилга бағишлаб ўтказилган маданий-маърифий тadbирларда меҳнати қадр топаётган инсонлар билан суҳбатлар уюштирилди. Давлати-

Касба уюшма етакчиси

Инсон азииз

миз мустақиллигининг 19 йиллиги муносабати билан 50 нафар ходимнинг фарзандларига ўқув қуроллари олиб берилди. Рамазон ҳайити арафасида фахрийлар, ногирон ва кам таъминланган ходимлар ҳолидан хабар олинди. Бу йил тумандаги 1-поликлиника ҳамшираси Нилуфар Мусақулова «Ҳамшира — 2010» кўрик-танловининг туман ва вилоят босқичида I ўринни қўлга киритиб, республика финал баҳсларида қатнашган бўлса, одам савдоси, гиёҳвандликка қарши кураш мавзуларини ўзида қамраб олган, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга қаратилган

«Иқбол» қизлар кўрик-танлови кўплаб иқтидорларни кашф этди.

Жамоа катта. 3602 нафар аъзонинг ишдаги фаолиги, ютуқ ва камчиликлари Шахрисабз туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Жўра Соҳибов ҳамда касба уюшма кўмитаси раиси Файбулла Абдуллаев эътиборидан четда қолмайди. Фахрийлар эъзозда, ёшларга қўшимча шароитлар яратилаётир. Бу эса ўз-ўзиндан касба уюшма ва мамуриятга бўлган ишонч ҳиссини тобора ошираётир.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Пахта — бойлигимиз

уни асрашга барчамиз масъулмиз

Республикамиз қишлоқ ҳўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланган пахтачиликни ривожлантириш ва сифатли пахта хом ашё тайёрлаш юзасидан қатор чора-тadbирлар ҳар йили амалга ошириб келинади. Пахта ҳосилини ёнгиндан асраш юзасидан қўрилган кўпгина тadbирлар ҳам шулар жумласидан.

Терим мавсумига тайёргарликнинг бориши ва ёнгинларга олиб келувчи ҳолатларни баргараф этиш мақсадида республикамиздаги пахта тозалаш корхоналари ҳамда қабул қилиш пунктларининг ёнгинга қарши ҳолати тўлиқ ва мониторинг тартиқларида текшириб чиқилганини таъкидлаш жоиз.

Пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш жараёнида ёнгин хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилиниши йўлга қўйилган бўлиши керак. Бу вазифа ҳар бир деҳқон-фермер ҳамда ширкат ҳўжалиги, хом ашё қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида ёнгин хавфсизлиги қоидалари амалиётига масъул этиб тайинланган ва махсус йўриқномадан ўтган кишилар зиммасига юклатилади. Чунки ўтган йилги йиғим-терим мавсуми олди ва мавсум мобайнида ёнгинлар-

дан асраш билан боғлиқ бир қанча камчиликларга йўл қўйилган эди. Ёнгинга сабаб бўлувчи ҳолатларни баргараф этишга пахтани қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарининг раҳбарлари совуққон муносабатда бўлгани таҳлилларда намоён бўлмоқда.

Пахта толаси енгил алангаланади, узоқ вақт тутаб ёниш хусусиятига эгалиги ҳаммага маълум. У ёниш ва туташ жараёнида ўзидан захарли ҳид чиқаради. Пахта 407 даража ҳаро-

ратда ўз-ўзидан ёниб кетиши, 210 даражада алангаланиши, 205 даража ҳароратда эса тутатиш мумкин.

Яна шуни эътиборга олиш лозимки, пахта очик олов билан ёнаётганда, 1100 даража иссиқлик ҳароратини чиқаради. Шунга қўра, пахта сақланаётган жойларда намлик, сийғимлар зичлиги, шамол ва бошқа хусусиятлар ёнгин вақтида аланганинг тез тарқалишига сабаб бўлади.

Пахта хом ашёсини сақлаш мобайнида қизиқ кетишининг олдини олиш ва намлик даражасини пасайтириш мақсадида фарамлар остидан махсус туннеллар ўтказилади. Ҳозир кўпгина пахтани қайта ишлаш корхоналарида бу тadbир ишчилар томонидан амалга оширилаётир, ammo туннел қазувчи махсус машиналар ҳам мавжуд. Туннелдан чиқарилган пахта махсулоти бунтларнинг ёнида ёйилиб, ёнгинга қарши оралик массифони қўқартиради. Бу эса содир бўлган ёнгинни тез тарқалишига олиб келишини, машина қозқичалари ва айланма занжирлари бунт тағидаги бетонга тегиб, учкун чиқа-

Мутахассис минбари

риши эҳтимоли борлигини, машинанинг электр таъминотидан учкун чиқиши мумкинлигини ёддан чиқармасак, айни муддао бўларди.

Пахта фарамлари ва умуман хом ашё қабул қилиш, қайта ишлаш жойларида очик оловдан, электр сым ўтказгичларидан, носоз техник қурилма ва ёритиш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш мутлақо мумкин эмас. Масалан, пахта фарамларини титиш учун мослаштирилган РБД механизмлари тишларининг учи (фреза қозиклари) учкун чиқармайдиган рангли металлдан ёки пластмассадан бўлмаса, асфалт ёки пахта орасида учрайдиган темир ва тош қолдиқлари билан тўқнашиб учкун чиқишига олиб келади. Кичкинагина учкун натижасида фарам саноқли даққалар ичида аланга остида қолиши мумкин.

Шунингдек, пахтани фарамлашда ишлаётган ишчиларга фарам устида ва унга 5 метр яқинликда дам олиши таъқиқланади. Ёнгинга сабаб бўлувчи омилларнинг юзага келишига йўл қўйган кишилар эса қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Т.НАЖИМОВ,
ИИБ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, полковник

Бу муқаддас Ватанга азиздир инсон

Бухоронинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир тарихий ва маданий обидаси эл-юртимизнинг буюк иқтидори ва яратувчанлик салоҳиятидан, юксак тараққиёти, илму маърифат, маънавият ва маданият, фалсафа ва дин равнақи йўлидан дарак беради.

Ислом КАРИМОВ

Тараққиёт — бош мезон

Хозир лойиҳалар тегишли вазирликлар томонидан ўрганилмоқда.

Барқамол авлод йили инвестиция манзилли дастурига кўра 390 ўқувчи мўлжалланган 1 та касб-хунар коллежи, 770 ўқувчи мўлжалланган 7 та коллеж ётоқхонасини қуриш ва капитал реконструкция қилиш давом эттирилмоқда.

Вилоятда пахтачилик билан бир қаторда ғаллакорлик, сабзавот-мевачилик, чорвачилик ва бошқа тармоқлар ҳам ривож топмоқда.

Вилоят бозорларида бўлсангиз, маҳсулот сифати ва салмоғини кўриб қўзингиз қувнайд.

Уз мухбиримиз

мехнатининг барча шаклларини ривожлантириш ҳисобига 10023 та янги иш ўрни яратилди.

Келажақ авлод таълим-тарбияси кун тартибдаги долзарб вазифалардан. Вилоятда 1055 та мактаб, 423 та мактабча ва 36 та мактабдан ташқари таълим муассасалари, 19 та мусика ва санъат мактаби, 36 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, шунингдек, Меҳрибонлик уйи, махсус мактаб-интернатлар, педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти фаолият кўрсатмоқда.

Вилоятда 1624,6 минг нафар аҳоли истиқомат қилса, уларнинг 61,4 фоизи қишлоқ жойларда яшайди. Шу боис аҳоли саломатлигига эътибор йил сайн ошиб бораётгани эътиборга молик. Айни пайтда 469 та бюджет ҳисобидида даволаш-профилактика муассасалари мавжуд. 343 та ҚВП аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларида уй-жой қурилиш кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жорий йилда вилоятнинг 11 та туманида намунавий лойиҳалар асосида 540 та уй-жой қурилиши давом эттирилмоқда.

Хуллас, бухороликларнинг бугундан эртаси порлоқлиги яққол кўзга ташланмоқда. Бунёдкорлик жараёнида вилоятнинг 1833 та бошланғич касба уюшма ташкилотига бирлашган 410,3 минг нафардан ортиқ касба уюшма аъзоси ҳам фаол иштирок этмоқда.

Уз мухбиримиз

Аёлга эҳтиром

Жамият ривожини, барқамол авлод тарбиясида хотин-қизларнинг роли нечоғли муҳим эканлиги барчамизга аён. Бунинг тармоқ касба уюшмаси кенгаши фаолиятида ҳам кўриб турибмиз. 43887 нафар касба уюшма аъзосининг 25259 нафари, яъни 57,5 фоизини аёллар ташкил этади. Уларга қулай меҳнат шaroити яратиш, қўшимча имтиёзлар белгилашга эътибор йил сайн ортиб бermoқда.

Даволаш-профилактика муассасаларида ишлаётган аёллар меҳнатига ҳақ тўлаш, боласи 2 ёшга тулгунча уни парваришlash учун бериладиган нафақа тўловлари қонун ва меъёрий ҳужжатларда белгиланган муддатда амалга оширилмоқда.

Утган даврда хотин-қизлар фаолиятида катта ўзгаришлар рўй берди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги 43 та тиббиёт муассасасида ишловчи 11355 нафар аёлнинг иш шaroити тубдан яхшиланди.

Тиббиёт институти ва коллежи ётоқхоналарида қизлар ўртасида «Энг яхши қават», «Энг яхши хона», «Энг яхши ошхона», «Энг яхши гигиена хонаси» танловлари ўз натижасини бермоқда. Шунингдек, репродуктив марказ мутахассислари билан давра суҳбатлари, наркология диспансери ва ОИТС маркази ходимлари иштирокида семинар-тренинглар ўтказилган ҳам ёшлар истиқболи учун хизмат қилмоқда. Барқамол авлод йили муносабати билан талаба ва ўқувчиларимиз ўртасида спортнинг оммалашуви кенг йўлга очилди, шу мақсадда уч миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

Сўнгги беш йилда соҳада ишлаётган аёлларга 85,3 миллион сўмлик моддий

ёрдам кўрсатилди. Вилоят тармоқ касба уюшмаси жамоаларида аёллар ўртасида кўнгилочар тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказишга эътибор оширилди. «Баҳор маликаси», «Ҳамшира» каби танловлар шулар жумласидандир.

Вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан ҳар йили ўтказилган тармоқларо аёллар спартакиадасида биринчи, иккинчи, Андижон вилоятининг «Шифокор» болалар оромгоҳида ўтказилган соғлиқни сақлаш ходимларининг аъшанавий спартакиадасида биринчи, Қарши шаҳрида ўтказилган волейбол (аёллар) мусобақасида иккинчи ўринларни эгаллаганимиз сай-харакатларга берилган ўзига хос баҳо-дир.

Тармоқда гендер тенгликка эришиш йўлида хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси бундан кейин ҳам эътиборни оширади.

Мавлуда МАҚСУДОВА, соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши мутахассиси, тармоқ ходимлари касба уюшмаси вилоят кенгаши хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси



(Давоми. Боши 1-бетда)

Янги корхоналар очиб эвазига маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, иш ўринларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республика маҳаллийлаштириш Дастурига киритиш мақсадида Қорақўл туманидаги «Зиё» хусусий корхонаси негизда омухта ёрми бойитиш учун қалций уни, Ромитан туманидаги «Муҳаммад Мақсад Сулаймон» хусусий корхонасида пластмасса қувурлар, Бухоро шаҳридаги «Мақма» МЧЖда МДФ эшик, экологик тоза шифер ва декоратив қурилиш маҳсулотлари, Ёқдўвон туманидаги «Хўжам Жаҳон Фарм» МЧЖ негизда йод, бинт ва спиртли эритмалар, Қоровулбозор туманидаги «Аралов» хусусий корхонаси негизда автомобил ва тракторлар учун филтрлар ишлаб чиқариш лойиҳалари республика махсус комиссиясига тақдим этилган.

Озод юртнинг обод йўллари

Одамлар орасида юриб, йўли ободнинг — юрти обод, деган гапни тез-тез эшитиб қоламиз. Шунда йўлсозлар жамоасида ишлаётганимдан, юрт ободлигига ҳисса қўшаётганимиздан фахрланиб кетамиз.

Дарҳақиқат, 236 кишилик жамоамиз умумфойдаланув автомобил йўлларини таъмирлаш, асраш ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишлар кўламини йил сайн кенгайтириб келмоқда. Корхонамиз ишчи-ҳодимлари республика, вилоят, маҳаллий аҳамиятдаги 429 километр масофадаги автомобил йўлларида хизмат кўрсатмоқда.

Жорий йил биринчи ярмида асосий эътибор Президентимизнинг 2009 йил 20 январдаги «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилmani янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан Бухоро шаҳрини айланб ўтиш йўли М-37 «Самарқанд-Ашхобод-Туркманбоши»га ҳамда ушбу автомобил йўлининг 261-километридан А-380 «Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнеу» ҳалқаро автомобил йўлига қаратилди. Корхона хизмат кўрсатадиган

умумфойдаланув автомобил йўлларини сақлаш, қишқи қаров, кўкаламзорлаштириш ва жорий таъмирлаш ишлари юқори даражада олиб борилди. Кейинги икки йилда 80 та қўшимча иш ўрни яратилди.

Йўлсозлар меҳнатини энгиллаштириш мақсадида техникаларни янгилаб бораётибмиз. Ёш оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётимиз. Спорт ишлари ҳам эътибордан четда эмас. Жамоа аъзолари билан Шаҳрисабздаги сўлим гўшаларда 3 кунлик бепул дам олишни ташкил этдик. Иш ҳақи вақтида тўлаб борилаётганидан ҳамма мамнун. Ишловчиларнинг ўртача ойлик маоши 448502 сўмни ташкил этмоқда.

Жамшид ЗАЙНИЕВ, Ромитан туман йўл хўжалиги пудрат-таъмирлаш, фойдаланиш давлат корхонаси касба уюшма кўмитаси раиси



Сафимиз кенгаймоқда

Инсон астойдил ҳаракат қилса, натижага эришаркан. Касба уюшма фаолияти нисолда ҳам ушбу фикрни айтиш мумкин. Ҳаракатларимиз сафимизнинг кенгайишига олиб келмоқда.

Узоққа бориб ўтirmаймиз. Бундан бир ярим йил илгари вакилликимиз тасарруфида юз нафарга яқин аъзо бор эди. Бугун эса бошланғич ташкилотлар сони 115 тага, аъзоларимиз эса 320 нафарга етди. Ҳўш, бундай натижага қандай эришилди, деган ҳақиқат савол тугилади. Гап шундаки, меҳнат жамоалари, яқна тадбиркорлар, турли соҳа вакиллари билан тез-тез учрашиб, уларга касба уюшма аъзолигининг афзалликларини тўғри тўшунтирсангиз, одамларнинг қизиқиши ошаркан.


«Вобкентё» МЧЖ, «Сарапул» хиссадорлик жамияти, туман марказий бозори, «Вобкент темирбетон» корхонаси, «Олмазор» ва «Янгиқент жилиси» фермер хўжалиқларидаги бошланғич ташкилотларимиз фаолияти анча фаоллашиб, бошқаларга ўрнак бўлмоқда. Бу борада Рамазон Ҳакимов, Неъмат Тохиров, Хайрулло Очиллов сингари ўнлаб етакчиларнинг хизмати катта.

Иш ўринларини кўпайтириш, қулай меҳнат шaroити яратиш, иш ҳақининг вақтида туланишини таъминлашга кўмаклашиш, аъзоларимиз ва уларнинг фарзандлари саломатлигини ҳимоя қилиш, кўнгилли дам олишларини ташкил этиш, кам таъминланган оилаларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Кейинги ойлarda вакилликимиз томонидан 3 та оилага моддий ёрдам кўрсатилди. 4 нафар аъзозимизга саломатлигини тиклаш учун йўлланма берилди. 56 нафар ўғил-қиз «Йўлдош» болалар оромгоҳида мириқиб хордик чиқаришди. Улар сафида кам таъминланган оилалар фарзандлари ҳам бепул дам олишди. Режаларимиз кўп. Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги йўлида камарбаста бўлган инсонлар билан ҳамкорликда эзгу ишларимизни давом эттираёрамиз.

Нусрат ХУДОЙБЕРДИЕВ, Савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касба уюшмаси Марказий кенгаши Вобкент тумани вакили

«Парравшантранс» нимага қодир?



Нибёҳжи қишлоғидан Абдулазиз Равшанов Германия технологияси асосида паррандачиликни ривожлантириши, деган гап-сўзлар тарқалганда кимдир ишонди, кимдир ишонмади. Аммо бу ҳақиқат эди. Кўп ўтмай қишлоқ чеккасидаги замонавий лойиҳалар асосида қурилган «Парравшантранс» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бино қад ростлади.

Йилдан шуғулланиб келади. Утган даврда корхонада паррандалар сони 4 мингтага, тухум етиштириш эса 70-75 фоизга оқказилди. Абдулазиз натижаларни янада яхшилаш мақсадида хорж тажрибасини ўрганиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва таннархини арзонлаштириш йўлидан борди.

Янги жиҳозланган цехда бир йўла 35 минг жўжа парвариш қилинади. Бир кунлик жўжалар 4 ой давомида, яъни тухумга киргунга қадар автоматик тарзда боқилиб, кейин бошқа цехга кўчирилади. Шу тариқа ҳажми унчалик катта бўлмаган, яъни 12х57 метрлик бинода ҳар йили 100 мингдан ортиқ жўжани парваришlash мумкин.

Бундан ташқари, парранда озуқаси янги усулда автоматик тарзда тайёрланади ва тарқатилди. Унинг таркибидagi микроэлементлар аниқ ҳисоб-китобда бўлиб, жараёнлар-

ни биргина оператор бошқаради. Абдулазиз яқин келажақда корхонада 200 минг жўжани парваришlash, 15 минг товуқни боқиб, юқори маҳсулдорликка эришишни, камидан 20 та янги иш ўрни яратишни мақсад қилиб қўйган.

Когон туманида Абдулазизнинг сафдошлари кўпаяётгани ибратлидир. Чунончи, «Эркин» фермер хўжалиги 70 минг АҚШ долларига гўшт ва сутни қайта ишлаш, тадбиркор Отабек Тощев эса 75 минг АҚШ долларига гўшт ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилмоқда.

Яна бир муҳим жиҳат. Чет эл инвестицияларини киритиш йўли билан туман буйича 6 та қўшма ва хоржий корхоналар рўйхатдан ўтган бўлиб, уларнинг барчаси самарали фаолият кўрсатмоқда.

Уз мухбиримиз

Вилоятимизда 7 та академик лицей, 81 та касб-хунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Муस्ताқиллик йилларида 39560 ўринга эга 62 та ўқув юрти қурилиб, 16630 ўқувчи ўринга эга 25 та ўқув юрти реконструкция қилинди. Ҳозир ушбу таълим муассасаларида 77 минг 700 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда.

Келажагимиз ворислари

Биргина 2009 йилда инвестиция дастури буйича 1 та академик-лицей, 13 та касб-хунар коллежи ишга туширилиб, 950 та янги иш ўрни яратилди. Жорий йилда 360 ўринга эга Бухоро санъат коллежи, шунингдек, янги қурилиш ҳисобидан 600 ўринли, реконструкция ҳисобидан 120 ўринли ўқувчилар турар-жойлари фойдаланишга топширилди. 1380 ўринли ўқувчилар турар-жойи капитал таъмирдан чиқарилди.

Муस्ताқиллик йилларида 19 та касб-хунар коллежи, 2 та академик-лицей ўқув лаборатория ва устакхоналари чет эл кредитлари ҳисобидан жиҳозланди. Бугун вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида 6363 нафар педагог ва муҳандис-педагог, 54 нафар фан номзоди, 3 нафар фан доктори фаолият кўрсатмоқда.

72551 нафар касба уюшма аъзосини бирлаштирган вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касба уюшма кўмитаси томонидан «Барқамол авлод йили» Давлат дастурини ҳаётга тадбиқ этиш, Президентимиз фармонлари, ҳукумат қарорлари ижросини таъминлашга катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, иш ҳақи, қўшимча ҳақ тўлаш, тар-

моқ ҳолатидан келиб чиқиб, Меҳнат кодексидagi тегишли моддалар буйича ходимларнинг айрим тоифалари учун берилган имтиёз ва кафолатларни тадбиқ этиш, иш ва ўқуш шaroитини яхшилаш, меҳнатни муҳофаза қилиш сингари масалаларда қатъий чоралар қўрилмоқда. Хусусан, ўтган йилда тизимда фаолият кўрсатаётган 233 нафар кам таъминланган оила вакилларига, жорий йилнинг олти ойи мобайнида 167 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ходимларга моддий ёрдам кўрсатилди. Утган йилда жамоа шартномалари ва жамоа келишувлари орқали 34 нафар педагог-ҳодим сиҳатгоҳларда саломатлигини тиклади. Дарвоқе, жорий йилда академик-лицей ва касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган кам таъминланган, иқтидорли ва жамоатчи ўқувчиларнинг 37 нафарига касба уюшма махсус стипендияси берилмоқда.

Абдурахмон БОЗОРОВ, вилоят ўрта махсус, касб-хунар таълими бирлашган касба уюшма кўмитаси раиси

Спорт

Ришод Собиров —
жаҳон чемпиони



Япония пойтахти Токио шаҳрида дзюдо бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасидаги XXVII жаҳон чемпионатида дунёнинг 111 мамлакатидан келган жами 848 нафар дзюдочи жаҳон чемпионати медаллари ва 2012 йили Лондонда (Буёқ Британия) бўладиган Ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун ўзаро куч синашмоқда.

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) рейтингда етакчилик қилаётган спортчимиз Ришод Собиров олтимиш килограмм вазн тоифасида дунёнинг энг кучли дзюдочиси эканини яна бир бор исботлади. Истеъодли полвонимиз жаҳон чемпионати беллашувларида болгариялик Янислав Герчев, Жанубий Корея вакили Жанг Жин Мин, яманлик Али Хусрав, жаҳон чемпионати совриндори италиялик Элио Верде ва россиялик Беслан Мудрановни мағлубиятга учратиб, финалга чиқди.

Халқ қилувчи бахсда ҳамюртимизга амалдаги жаҳон чемпиони Георгий Зантария (Украина) рўбарў келди. Кескин ва мурасасиз курашларга бой бахсда рақибини мағлубиятга учратган Ришод Собиров жаҳон чемпионати олтин медалини кўлга киритди.

1986 йилда Бухоро вилоятининг Жондор туманида туғилган Р.Собиров 11 ёшдан дзюдо ва кураш билан шуғулланади. У катта салоҳиятга эга спортчи сифатида Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва дунёда ўхшаш бўлмаган ўз босқичли спорт тизимининг юқори бугини — Универсиадада кашф этилган. 2007 йили Тошкентда ўтказилган талабалар мусобақасида дзюдо ҳамда кураш бўйича олтин медални кўлга киритган Ришод шу йили дзюдо бўйича Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эгаллаган. 2008 йилда мамлакатимиз чемпионатида голиб чиққан ва Пекинда ўтган Олимпия ўйинларининг бронза медалини кўлга киритган.

Пекиндаги муваффақиятидан сўнг дунёнинг энг кучли дзюдочиларидан бири сифатида эътироф этилаётган Ришод Халқаро дзюдо федерациясининг нуфузли турнирларида галабалар салмоғини ошириб келмоқда. Жумладан, жорий мавсумда истеъодли дзюдочимиз Жанубий Кореяда «World Masters» ва Тунисда Гранпри мусобақаларида биттадан олтин, Россия, Франция ва Бразилиядаги «Катта дубулга» мусобақаларида битта олтин, иккита кумуш медални кўлга киритиб, жаҳон рейтингда биринчи ўринга кўтарилди. Мазкур нуфузли турнирлар қаторида жорий йилнинг май ойида Андижон шаҳрида ўтказилган «Универсиада — 2010» спорт мусобақаларида ҳам Р.Собиров кураш ва дзюдо беллашувларида галаба қозонди.

Халқаро майдондаги галабаларимизда мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қаратилган улкан гамхўрлик муҳим омил бўлмоқда, — дейди Р.Собиров. — Президентимиз Ислом Каримовнинг ёшлар ўртасида спортни омаллаштириш ва ривожлантиришга қаратилган улкан эътибори самарасида ёшларимиз нуфузли спорт мусобақаларида шоҳсупага кўтарилиш шарофига муассар бўлмоқдалар.

Зоҳир ТОШХҲАЕВ,
ЎЗА муҳбири

Инсон ўзинг...



Танишларимдан бири «Кўриқхоналар нима учун қурилиши биласизми?» деб сўраб қолди. Жавобни унинг ўзидан эшитиш қизиқ бўлгани учун елкамни қисдим. «Хайвонларни инсонлардан ҳимоя қилиш учун».

Бир оғиз сўз. Бу жавоб юзакки муҳокама қилинса, бахслашишга аризмайдиган даражада жун туолиши мумкин. Лекин унга мантиқан ёндашадиган бўлсак, биргина сўз замирида улкан маъно борлигини англаймиш. Аслида, инсон дунёнинг гултожи дея улуғланади. Унинг онгли мавжудот сифатида ҳам бошқа мавжудотлардан устун қўйилиши кўпчиликка айб. Лекин ўйлаб-ўйламай қиладиган ишлари нафақат табиатга, балки унинг ўзига ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда.

Инсон бугун ўз қўллари билан яратган чой қайнаткидан хузур топмай, самоварни кўмсапти. Лекин самоварда чой қайнатишга бўйни қурғур ёр бермайди. Файласуфлардан бири айтганидек, у ўзига нима керак эканлигини билолмай ҳайрон.

Биз доимо техника мушкуллигини осон, узғиримизни яқин қилади деб ўйлаймиш. Маълум маънода бу ўйда жон бор. Лекин шуниси ажабланарлики, автомобиллар кўпайгани сари автохалокатлар сони ошиб бормоқда. Техника кўмагидан фойдаланиб, камроқ меҳнат қилганимиз сайин кўпроқ касалликка чалинаётишимиз. Бу каби қарама-қаршиликларнинг бари бизни иккиланашлар гирдобига улқотирмоқда. Юракларимизда галаён. Ота-оналар фарзандлари ҳеч нарсага зорикмасдан яшашини таъминлаш мақсадида кеча-кундуз елиб-югуришмоқда. Лекин боғбон дарахт экиб, ўзи чамалаган ҳосилни йиғиб ололмапти. Оқибатда, бу каби ҳолатлар руҳиятимизнинг бесаранжомлигига сабаб бўлмоқда.

Қисқа қилиб айтганда, одамзод айни пайтда издан чой қайнатишга бўйни овера. Дардини эшитиб, даво бер-

диган мутахассисга муҳтож. Ҳеч бир фан бежиз юзага келмайди. Психология ҳам бундан мустасно эмас. Маълумотларга қараганда, психология жуда қадимий фан бўлиб, бундан тахминан икки ярим минг йиллар олдин пайдо бўлган. Психология юнонча психе — жон, рух ва логос — таълимот сўзидан таркиб топган бўлиб, жон ва рух ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Бундай маъноларни англайтилишига сабаб шунки, қадим замонларда одамларнинг ташқи олам таъсирининг нерв системаси ёрдамида миёда акс эттирилишини тушуниши қийин бўлган. Шунинг учун улар мураккаб акс эттириш ҳодисаларини жон билан боғлаб тушутирганлар. Ана шу туфайли психология фани қадим замонларда жон ҳақидаги таълимот сифатида майдонга келган. Лекин ҳозир психология ўз номини сақлаб қолган бўлса-да, мазмунан батамом ўзгариб кетган.

Психология фани психик процесслар ва инсон шахсининг психологик хусусиятлари ҳақидаги фандир. Яъни, сезги, идрок, диққат, хотира, тафаккур, ирода, ҳиссийёт, хаёл ва бошқаларни психика ёки психик процесслар деб атаймиш. Бир сўз билан айтганда, психология одамнинг ички дунёсини ўрганадиган фан.

Баъзилар психологиянинг менга дахлдор жойи йўқ, у ҳаётимда ҳеч қандай муҳим аҳамиятга эга эмас деб ҳисоблашади. Аслида эса дунёда инсонга тегишли бўлмаган бирорта фан йўқ. Жумладан, психологиянинг ҳам ҳар бир инсон ҳаётида ўзига яраша ўрни борлиги исботланган.

Психология бизнинг ҳаётга бўлган ишончимизнинг мустаҳкамлашишида муҳим рол ўйнайди. Чунки инсон бу дунёда нима учун яшаётганини англаб етса, ҳаёт янада гўзаллашади.

Назира БОЙМУРОДОВА

Бугунги инсон кўнгли тараққиёт мевалари ҳисобланган замонавий техникаларнинг тарақ-туруқи-ю жаранг-журунгидан анча зириллайдиган бўлиб қолди. Гарчи унинг кўнгли бир пайтлар Ойга учирини нечоғлик тусанган бўлмасин, бугун Ерда тинчгина ҳаёт кечиришни истаётганиги сезилмоқда.

Жон ва рух
ҳақидаги фан

Тасвирий санъат
Дунё нигоҳида

Тошкентдаги CARAVAN-ONE ресторанида қашқадарёлик рассом, Ўзбекистон бадиий академияси аъзоси Ҳилола Шерматованинг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Ўрт манзаралари, фидойи одамлари, боқий қадриятларимиз тасвирланган, графика усулида чизилган расмлар нафақат ватандошларимиз, балки юзлаб хорижлик сайёҳлар эътиборини тортиди.

Иқтидор интилиш, ўқиш, ўрганиш туфайли камол топади. Дастлаб Бенков номидаги Республика рассомчилик билим юртида, кейинчалик Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомчилик ва дизайн институтида таҳсил олган Ҳ.Шерматова «Шарқ тароналари» халқаро фестивали, «Томоша» болалар ансамбли, «Осиё рамзи» моддалар ва зардузлик бюумлари фестивали саҳна кўринишларини безовчи рассом сифатида мунтазам қатнашиб келмоқда.

Иззат ҲИҚМАТОВ

Уйғоқ фикр
Болалар музейи керакми?

Музейларнинг аксариятида халқимизнинг бой тарихи ва маданиятига дахлдор ёдгорликлар сақланади. Мустақиллик йилларида бошқа соҳаларда бўлгани каби музейшуносликда ҳам янгилаш, ривожланиш бўлди. Хусусан, музейларни давлат ҳимоясига олиш, уларнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор қонунлар қабул қилинди. «Ўзбекмузей» жағмараси ташкил этилди. Бу, албатта, тарих кўзгуси бўлган музейлар фаолиятини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги томошабинни янги технология, коммуникация, экспозициянинг тез-тез алмашиши туриши қизиқтиради. Қолаверса, кўпроқ очик осмон остидаги музейлар томошабин учун қулай. Мутахассислар малакасини ошириш, интернет тармоғи орқали жаҳонга танитиш каби ишлар ташкил этиш, рекламани кучайтириш, радио ва телевидениеда янги экспозиция ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб бориш, баннер, постер, буклетлар тайёрлаш замон талабига айланди.

Мамлакатимизда навқирон авлод камоли учун чексиз имкониятлар яратилмоқда. Буни музейлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Маълумки, музейлар нафақат дам олиш, маданий ҳордиқ чиқариш маскани, балки дунёқарашни кенгайтирувчи маскан ҳамдир. Бу восита орқали ёшлар онгига миллий ғурур, миллий онгни юксалтириш, унутилган тарихимизни қайта тиклаш, ёш авлодни буюк аجدодлар номи ва мероси билан фахрланишга ўргатиш мумкин.

Шунингдек, бизнингча, музейларни болаларнинг талабига мослаштириш керак. Нафақат ўспиринлар, балки 4-6 ёшдаги болаларга мўлжалланган музейлар ташкил қилинса яхши бўларди. Бола кўйилган предметларни ушлаб кўрсин, тасавури мустаҳкамлансин. Юртимизнинг қанчалик узоқ тарихга эга эканлигини хис қилсин. Амир Темур жаҳорати, Жалолиддин Мангуберди баҳодирлиги ватанга муҳаббат туйғулари шаклланишига замин бўлсин.

Регина ФАЙЗИРАҲМОНОВА,
Миллий рассомчилик ва дизайн институти талабаси

Олис хотиралар
гирдобини...

Қишлоғимизга ҳар баҳорнинг ташрифи биз болалар учун байрамга айланарди. Барқ уриб очилган лолақизғалдоқлар ерга қипқизил бахмал ёйиб ташлагандек таассурот уйғотади. Эрта тонгдан чиллак чўпини кўлтиклаб далага отланаман. Тўрткўз соядек изимдан эргашади, чиллак, қурама таёқ ўйнаётган болаларнинг ҳисоби йўқ. Ким билсин, Содик ховлиққа янгилик топиб келганида ўйинимиз яна қанча давом этарди. Нега Содик ховлиққа дейсизми, унга катталар шундай ном қўйишган. Аслида у мен билан тенгқур, аммо у бизнинг ўйинимизга қўшилмайди, нукул катталарнинг оёғи остида ўралашгани-ўралашган. Қишлоқда биронта янгилик содир бўлса, биринчи бўлиб Содик эшитилади. У биз ўйнаётган сайхонликка етмай туриб бор овозида шангиллаб гапирди.

Эшитдингларми, болалар, қишлоғимизга ит отувчи келди. Ўз кўзин билан кўрдим, милтиғиям бор, ростаками.

Ҳамма Содикнинг кетидан чопди. Чинакам милтиқ отилишини кўришдан қизикроқ томоша борми? Қишлоғимизда Эшмўмин найовнинг отасидан бошқа бирон кишида милтиқ йўқ. Уша милтиқни атиги бир марта — Эшмўминлар-

Болалик йилларим ўтган бог-ховли ўрнида ҳозир жияним истиқомат қилади. Соғинчми, кўмсашми, нимадир мени бу ерга тез-тез етаклаб келади. Соқингина шовуллаётган шамол япроқлар қатини шитирлатиб ўйнайди. Гала-говурга тўла кўча, сигарет ҳидидан диққинафас ишхонам эсдан чиқади. Бог-ховли мени олис ва ширин хотираларга бой йилларга етаклайди, асов тойчоқдек болалик, тенгдош йўл-қизлар, болаликнинг содик йўлдоши Тўрткўз...

нинг товуғини ҳамсояларининг този ити еб қўйиб, отаси тозини отаман, дея роса пўписа қилганда кўргандим.

Нега итларни отишар экан-а, улар беозор жониворлар бўлса, мактабимиз директори бир гал ўқувчилар билан мажлис ўтказганда «итлар бизнинг дўстимиз» деганда. Наҳот, инсон ўз дўстини отса, Тўрткўз нима бўлади, ҳаёлимдан ўтган фикрдан сесканиб тушдим. Тўрткўз ҳеч нарсдан хабарсиз болаларнинг изидан чопиб борарди. Анча ергача боргач, улар орасида меннинг йўқлигимни сезди, шекилли, думини лиқиллатганича орқага қайтди: «Йўқ, Тўрткўзни ҳеч кимга бермайман, яхшиси, уни ит отувчи кетгунча яшираман».

Бог-ховлимиз тўридан Тўрткўзга уйча тайёрладим. Эшигини яхши-

лаб беркитиб кўнглимни тўқ қилгач, кечгача жўраларим билан ит отувчининг изидан юрдим. Ўзимам бу одамда мөхр деган нарсадан зигирча йўқ экан. Ховлима-ховли кириб, катта-кичик демай итларни роса қийратди. Эртасига ўқитувчимиз Салби мого ит отувчини чарчаб қолгунича савалади. У нукул:

— Ойи, тушунсангиз-чи ахир, — дея бўғилар, Салби мого эса:

— Итларни ўлдиргунча сенинг кўлинг синса бўлмасми, — дерди уни савалашдан тўхтамай.

Кейин эшитсак, ит отувчи ўқитувчимизнинг икки итини бирданга отган, айниқса, кенжа набирасининг эндиғина кўзи очилган кучукчасини ўлдиргани муаллимга роса алам қилган экан. Муаллимлар ит отувчини зўрға Салби момонинг қўлидан бўшатишди.



Кейин у кўринмай қолди, қишлоқ енгил нафас олгандек бўлди. Ит отувчининг келмаслиғига ишонгач, Тўрткўзни бўшатдим. Яна эрталабдан кечгача кўча чангитиб чопадиган, чиллак ўйнайдиган одатдаги кунларга қайтдик.

Бозор кўни эди ўшанда. Эрталаб Тўрткўзнинг безовталаниб ҳуришидан уйғондим. Кўчадан гала-говур эшитиларди. Ўрнидан ғирғиб туриб, ховлига чиқдим, чиқдим-у, дахшадан қотиб қолдим. Ит отувчи милтиғидан Тўрткўзни нишонга олиб турарди. Итинми кутқаришга улгуролмадим, кўксидан ўқ еган Тўрткўз ховлидан чиқиб кетди, кечгача ундан дарак бўлмади.

— Яхши ит эгасига ўлигини кўрсатмайди, Тўрткўзнинг қаердадир жон бераётгандир, — деди отам.

Тўрткўзнинг жасадини топдик, бог-ховли тўрига жойладик. Эртасига туман марказига тушиб келган отамнинг айтишича ит отувчига жониворларни қийратиш эмас, қутаришга қарши эмлаш топширилган экан, у эса осон йўлини қилиб, итларни бир бошдан ота-верибди...

...Жияним яшайдиган бог-ховлига тез-тез ўтаман. Бог-ховлимиз болалик йилларимни, Тўрткўзни эслатади, бейхитёр олис хотиралар гирдобига тушаман, кўз ўнгимдан бир лаъча ҳадеб кино тасмасидек ўтаверади: бола эмишман, ҳеч қандай ит отувчи бўлмаганим, Тўрткўзнинг изидан чопармишман, у эса одамлардек тил чиқариб «өтолмайсан», «өтолмай-сан» деб қочармиш...

Абдунаби АБДИЕВ

Insonga naf keltirish
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi
Bosh muharrir: **Abduxoliq Abdurazzoqov**
Tahrir hay'ati: **Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV**
(Bosh muharrir o'rinbosari), **Jahongir SHAROFBOYEV**
(Mas'ul kotib), **Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat ALIYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV**
Bo'limlar: **Kasaba uyushmalari hayoti** 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73
Manzirimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz
Nashr ko'rsatkichi: 133
Navbatchi muharrir: **A. Toshev**
Navbatchi: **Sh. Abdusamadov**
Musahhih: **S. Shodiyeva**
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi. Sahifalovchi: **H. Abdullilov**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bqeiladi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvdagi erkin narxda.
«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.
Tijorat materiallari
Boshiga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.30
Buyurtma G — 851
11449 nusxada bosildi
ISSN 2010-5002
2 3 4 5